



ПИСКЕНТ РАЙОНИ — ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 206 (6067).

21
ОКТАБРЬ

Ж У М А

1977 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ПИСКЕНТ ОБЛАСТИМИЗНИНГ ЭКОНОМИКАСИ КОМПЛЕКС

РИВОЖЛАНАЁТГАН РАЙОНЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. СО-
ВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ЮКСА-
ЛИШИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ҲАР ХИЛ КОРХОНАЛАР, МА-
ДАНИЙ-МАИШИЙ МУАССАСАЛАР ИШГА ТУШИРИЛДИ. РАЙОН
МЕХНАТКАШЛАРИ ЭРИШАЁТГАН ЗАФАРЛАРИНИ ПАРТИЯГА,
ШОНЛИ ОКТАБРГА БАҒИШЛАМОҚДАЛАР. ГАЗЕТАМИЗНИНГ БУ-
ГУНГИ Сонида ПИСКЕНТ РАЙОНИНИНГ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ
ЖУШҚИН ҲАЕТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.

ИШЧАНЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК РУҲИДА

М. ХАЛИЛОВ,

Пискент район ижроия комитетининг раиси.

КУП миллатли мамлакатимиз ки-
шилари ва социалистик лагердаги
қардош халқлар ҳамда планета-
миздаги прогрессив инсоният жаҳон
тарихида муҳим сана — Улуғ Ок-
тябрь социалистик революциясининг
60 йиллигини нишонлашга қизгин
тайёргарлик кўрмоқда.

УЛУГ Октябрь тўғайлигига меҳнаткаш
халқнинг асрлар бўйи қилган орзу-умида-
лари рўйга чиқди. Улар мамлакатимиз-
нинг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолди.
Инсоният тарихида тўб бурилиш ясаган бу
санани — пахтакор, чорвадор, соҳибкор
ва бошқа касбдаги меҳнаткашлар муносиб
кутиб олиш учун сиёсий активлик кўрсат-
таётганлигининг, кўтаринки руҳда меҳнат
қилаётганлигининг боиси шунда. Чунки
В. И. Ленин ташкил берганидек, улуғ ай-
ёмларини нишонлашга меҳнат зафарлари-
дан кўра яхшироқ совға бўлиши мумкин
эмас.

Кутлуг сана нишонланганидан йилда
СССР янги Конституцияси лойиҳасини халқ
муҳокамага қўйишни ва тўққизинчи ча-
қириқ СССР Олий Советининг навбатдан
ташкири еттинчи сессиясида унинг бир
қарарини қабул қилиниши натижаси, аммо
ҳақиқат навқирон Пискент районимиз меҳнат-
кашларини ҳам ҳар қачонгидан унумли
ишлашга руҳлантириб юборди.

Пискентлик болшевиклар Ленин асар-
ларидан сиғийи душманларга қарши ку-
рашиш ва галаба қозониши сирларини
ўргандилар. Улар эгзу мақсад қарш инти-
лувчан ва матонатли бўлганликлари учун
Ленин тоғларини ҳаётга тўлиқ таъбиқ эта
олдилар.

Болшевиклар Пискент атрофидаги ва
Курама тоғи ён бағридаги қишлоқларда
Совет ҳокимиятини ўрнатди ва мустақам-
лашининг таъкилотчилари бўлдилар. Бу
курашда Пискент болшевикларига партия
гозарига содиқ инсон Султон Сегизбоев
бошчилиқ қилди.

1925—1927 йилларда Ўзбекистон ҳуку-
матининг раҳбар Ҳодимлари Раҳимжон
Раҳимов, Қўдратилла Махсумовлар бош-
чилигида ер, сув ислоҳоти ўтказилиши на-
тижасида деҳқонларнинг Совет ҳукумати
таъбирида мустақамлашнинг жипслашиши
таъминланди. Қўдратилланинг сиғи сифатида
тўғайлигига замин тайёрланди.

Район ташкил этилган вақтда 25 қишлоқ
Совети бўлиб, уларда 106 аҳоли пункти
бўришганда. Барча экин майдонлари
18371 десятина эди. Сугорилардан ерининг
42,4 процентига пахта, 29,7 процентига шол-
иш, 2,2 процентига беда ва бошқа донли
экинлар экиладди.

Ўзбек халқи «Буюк юрш» деб атаган
даврда районимизни оталиққа олган За-
москворецк районининг меҳнаткашлари
Пискентда трактор колоннаси ташкил
этиш учун 15 минг сўм пул ажратди.

Районимизнинг дастлабки шифкорлари
Арсеий Петрович Спиридонов, Юлия Пе-
тровна Ташчешкова ва Александр Феде-
ровна Арсентьевалар қийин даяларда ки-
шилар соғлигини ҳимоя қилдилар. Б. И.
Гарчинский эса районимизда биринчи бў-
либ «Фордзон» тракторини бошқарди.

Район ижроия Комитети раисининг ўри-
нбосари бўлиб ишлаган, республика аха-
миятидаги пенсционер Бозорбой Абдура-
ҳимовнинг тоғлиқчилига 1933 йилда 48 та
қошқоқ 14 минг гектар ерга чигит экини
эди. Ҳозирги Оққўрғон, Буна райони ва
Олимлик шаҳри территориясини бириш-
тирган районда атиги 30 та «Фордзон»
трактори бор эди. Қўрғонлиқ турбидики,
у вақтда тракторлар ҳар хўжаликка бит-
тадан ҳам тўғри келмас эди. Шунинг учун
хосиндорлик атиги 12 центнерини ташкил
этар эди.

Ҳозирги кунда районимиз хўжаликлари-
да 820 та трактор, 49 та комбайн, 278 та
пахта териш машиналари, 692 та прицеп-
лар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси
мавжуд.

Улуғ Втан уруши йилларида районимиз

дан 1830 нафар киши кўнгилли бўлиб
фронга кетишди.

Урушда иштирок этганларнинг 112 на-
фари орден, 418 нафари медаллар билан
мукофотландилар. Бизнинг мамлакатимиз-
да ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайд.

Районимиз меҳнаткашлари барча совет
халқи сингари 32 йилдан бери тинч ша-
ронда яшамокдалар. Улар халқ хўжали-
гининг барча соҳаларида юбилей йили
меҳнаткашларини мўддатидан илгары ба-
жариш йўлида фидокорона меҳнат қил-
моқдалар.

Шу йилнинг февраль ойида район пар-
тия комитетига ўн тўртлар ва ўн бешлар
ташбўбусининг издошлари 3-механизация-
лашган кўчма колонна бўлдозёрчиси В. П.
Поздняков, 82-автокорхона шофери И.
Аметов, район машина хўжайини кўрсатиш
комбинатининг тикучиси Л. Пак, гишт
заводининг ишчиси М. Юсуповлар тўла-
нишди. Улуғ Октябрь социалистик револю-
циясининг 60 йиллиги шарафига бошланган
ватанпарварлик ташбўбусларига қўшил-
иб ўз зиммаларига юксак социалистик
меҳнаткорлар олганликлари ҳақида фикр
алмашдилар.

Район партия комитети уларнинг ва-
танпарварлик ташбўбусларини маъқулла-
ди. Бу тадбир ўз самарасини кўрсатди.
Улар ҳозир олган меҳнаткорларига яра-
ша меҳнат қилмоқдалар.

Юбилей йилида райондаги саноат кор-
хоналарининг меҳнаткашлари пландаги
26451 минг сўм ўрнига 28101 минг сўм-
лик маҳсулот реализация қилиш мажбу-
риятини олгандилар. Саноат маҳсулот-
ларини реализация қилиш саниқз ой-
лик плани 108 процентга бажарилди. Са-
ноатчилар планда кўрсатилгандан 1165,1
минг сўмлик кўп маҳсулот реализация
қилдилар. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу
даврида реализация қилинган маҳсулотга
нисбатан 318,6 минг сўм кўпдир.

Ушунинг беш йиллигининг иккинчи йилида
район «кўмуш тола» икдорлари ҳам ўз
сўзларининг устидан чиқдилар. Улар дав-
латга халқ хўжалик планда белгиланган
124 тонна ўрнига 133 тонна «кўмуш тола»
топишдилар. Барча хўжаликлар планда
тайёрлаш халқ хўжалик планини анча
ошириб бажаришга эришдилар.

Ҳаллакорларимиз ҳам давлатга дон
сотиш топишларини шараф билан адо
этидилар. Давлат омибига 5122 тонна
Пискент сара дони тўқилди.

Чорвадорларимиз 1150 тонна гўшт,
5250 тонна сўт, 1 млн. дона тухум,
65 тонна жуш, соҳибкорларимиз 1600
тонна узум, полициларимиз 6000 тонна
қовун-тарвуз, 9000 тонна сабзавот етказиб
беришга азму-қарор қилишган.

Шаҳарликлар дастурхонига 3787 тонна қо-
вун-тарвуз, 1219 тонна узум етказиб бе-
рилди. Бу соҳада икки йиллик план миқ-
дорда маҳсулот етказиб бериш чоралари
кўриляпти.

Коммунистик партия ва Совет ҳукума-
ти пахтачиликни ривожлантиришга катта
эътибор бермоқда. Қолхоз ва совхозлар-
га кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари ва
минерал ўғит етказиб берилмоқда. Ҳосил-
дорлигини кескин кўтариш учун барча ик-
кониятлар яратилмоқда. Район пахтакор-
лари тўққизинчи беш йилликда давлатга
халқ хўжалик планда белгилангандан
26200 тонна кўп «оқ олтин» етказиб бе-
рилди.

Район пахтакорлари ўннинг беш йиллик
инкикини йилида 14150 гектар майдон-
нинг ҳар гектаридан 30,4 центнердан ҳос-
ил кўтариш мажбуриятини олдилар.

Ўза парварлишини ташкил этиш ва пахта-
дан мўл ҳосил тўплаш ҳақида область
пахтакорлар Советининг берган тасияла-
ри деҳқонларимизга кўп келди. Хашорат-
ларга қарши курашишда тасияда кўрсати-
лган препаратларни кўплаш нормасига
рўя этилиши ҳосил зараркундаларини
қириб ташлаш имконини берди.

(Давоми 3-бетда).



Суратда: Пискент районининг донгдор кишиларидан бир группаси.

А. Абалаев фотоси.

ЗАРБДОР ОДИМЛАР | МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Республика саноат ходим-
лари СССР Конституцияси

лоиҳасининг умумхалқ муҳо-
камаси тўғайли сиёсий актив-
лик ва меҳнат гайрати ўсган
бир вазиятда Улуғ Октябрь
социалистик революцияси-
нинг 60 йиллигини муносиб
кутиб олиш ва ўннинг беш
йиллигининг иккинчи йили
планини мўддатидан илгары
бажариш учун социалистик
мусобақани кенг ажж олди-
риб, саноат маҳсулотини ре-
ализация қилиш ҳақида ва эгз
муҳим буюмларининг кўпчили-
гини ишлаб чиқариш юзаси-
дан 1977 йилнинг тўққиз ой-
лик планини ошариб бажар-
дилар. Ўзбекистон ССР Мар-
казий статистика бошқарма-
сининг ахборотида шу ҳақда
гепирилди.

Саноат ишлаб чиқариши-
нинг ўсиши ўтган йилнинг шу
давридагига нисбатан йиллик
планда белгиланган 4,5 про-
цент ўрнига 4,9 процент бўл-
ди. Меҳнат унумдорлиги 3,3
процент ўсди. Маҳсулот иш-
лаб чиқаришни кўпайтириш-
нинг 69 процентига меҳнат
унумдорлигини ошариш ҳи-
собига эришилди.

Қора металлургия, машина-
созлик ва металл ишлаш, ўр-
мон, ёғочсозлик ва целлюло-
за-қоғоз саноати, ойна ва
чинин-фаянс, озиқ-овқат, ун
тортиш-ерма саноати илдам
суръатлар билан ривожлан-
ди. Кўмир саноати, рангли
металлургия, химия ва нефть

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИНИНГ 1977 ЙИЛ ЯНВАРЬ —
СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ
ЯКУНЛАРИ

химияси саноати, бинкорлик
материаллари саноати, енгил
саноат янада ривож топди.
Маданий-маиший ва рўзгор
буюмларини комплекслаш
узеллари ва деталлари билан
ишлаб чиқариш 10 процент
кўпайди.

Қорақалпоғистон АССР,
республиканинг ҳамма об-
ластлари ва Тошкент шаҳри
саноати маҳсулотини реализа-
ция қилиш тўғрисида ойлик пла-
нини ошариб бажарди.

Умуман республикада тўқ-
қиз ой ичиде 26 миллиард
киловатт-соат электр энергия,
4287,2 минг тонна минерал
ўғит (шартли бирликларда),
4624 дона компрессор, 405
дона экскаватор, 3177
минг куб метр йиғма темир-
бетон конструкциялар ва де-
таллар, 1266 миллион дона
иморатбоп гишт, 203 милли-
он дона шартли эсбоекмент
шифер плита, 19,7 минг тон-
на қоғоз, 68,8 миллион сўм-
лик мебель, 57,6 минг дона
рўзгор холодильники, 188,2

минг дона газ плиталар,
1160,7 минг тонна пахта то-
ласи, 1165,5 минг тонна хом
ипак ишлаб чиқарилди.

25,2 минг тонна каноп то-
ласи, 29,5 миллион жуфт пой-
поқ, 22,7 миллион дона ички
трикотаж, 12,7 миллион дона
устик трикотаж, 20,3 миллион
жуфт чарм пойафзал, 78,2
минг тонна гўшт (давлат ре-
сурслари хом ашёсидан),
каймоқи олинмаган сўт мах-
сулотини сутта айлантириб хи-
соблаганда 263,6 минг тонна
(давлат ресурслари хом ашё-
сидан), 321 минг тонна ўсим-
лик мойи (давлат ресурслари
хом ашёсидан), 488,9 милли-
он шартли банка консервал-
лар, маданий-маиший моллар
ва рўзгор буюмлари (компл-
ектловчи узеллар ва детал-
ларини ҳам қўшиб ҳисоблаган-
да) 250,3 миллион сўмлик
тайёрланди.

1976 йилнинг январь—сен-
тябрь ойларига нисбатан ма-
шинасозлик маҳсулотининг
бир қанча турлари, халқ
истеъмол қиладиган кўпгина
моллар, гиламлар ва гилам
буюмлар, шойи газлама, қол-
баса маҳсулотлари, мол
ёғи, қондиртер ва макарон
маҳсулотлари ишлаб чиқариш
кўпайди.

Саноат корхоналари ва
бирлашмаларининг коллек-
тивлари социалистик мусо-
бақа давомиде мавжуд кам-
чиликларни бартараф қилиш,
ишлаб чиқариш самарадор-
лигини ва иш сифатини ўс-
тириш тадбирларини амалга
оширмоқдалар.

(ЎЗАТ).

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕЭКРАНДА —ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Марказий телевидение-
нинг «Юбилей йили» зарб-
дор суръатлар билан ни-
шонлайди. Туркумидан
берган навбатдаги кўрсатувни
Тошкент областида бағиш-
ланди. Кўрсатувда иштирок
этган область партия коми-
тетининг биринчи секретари
М. М. Мусахонов кўпмил-
лионли телеомошабинларга
тошкентлик ишчилар ва ну-
рчучилар, пахтакорлар ва
чорвадорларнинг юбилей
йилида қўлга киритаётган
улкан меҳнат муваффақия-
тлари ҳақида маъмули ҳи-
коя қилиб берди.

Экранда «Ташсельмаш»
заводининг гаживу неҳлари
намоён бўлади. Бош кон-
вейердаги тушиб келаятган
«зангори кема»лар бирин-
кетини сағфа тизилмоқда.
Уларни яратишда КПСС
XXV съезди делегати, тузи-
масозлар бригадаси бошли-
ги Махмуд Мўйиновнинг
ҳам ҳиссаси бор. Бригада
аъзолари бир беш йилликда
икки беш йиллик топири-
ғини бағаришга бел бо-
ғашган. Улар ҳозир 1980
йил ҳисобига меҳнат қи-
ляпти.

Надлар, бир-бирига ула-

ниб кетади. Телеомошаби-
лар кўз ўнгига Ангрен ва
Янгиўл шаҳарлари, Чиноз
ва Қуйи Чирчиқ райони-
ларини пахтазорлари намоён
бўлади.

Телеомошабинлар ан-
гренлик машҳур кўрувчи
Димитрий Зазулин, Янги-
ўл шаҳар партия комите-
тининг биринчи секретари
В. И. Рибалко, тошкентлик
тўқувчи Дилбар Қўлматова,
машҳур пахтакор Турсунов
Охунбаевнинг сўзларини ма-
роғ билан тингладилар. Улар
юбилей йили маррасларини
эгаллашда меҳнат коллек-
тивлари кўрсатаётган жасо-
рат ҳақида сўзлаб берди-
лар. Кўрсатув давомида об-
ластимиз меҳнаткашлари-
нинг ҳар соҳада эришаёт-
ган зафарлари тўла ўз ак-
сини топди.



ОҚҚУРҒОН районидеги «Коммунизм» колхозининг Очил
Умаров бошлиқ бригада пахтакорлари шу кўнларда юксак
меҳнурят ҳисобига пахта топишмоқдалар. Суратда: эл-
ликцентнерчи бригада бошлиқи Очил Умаров.



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 20 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Иллик планга нисбатан процент ҳисобиде.

(Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир
кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бо-
шида бўлиб; тўртинчи устун — шу жумладан машина-
ларда бир кунда; бешинчи устун — мавсум бошидан бу-
ён.)

ҚУНИ ЧИРЧИҚ	0,29	114,36	0,22	127,89
ЧИНОЗ	0,74	110,95	0,96	111,44
БУКА	0,23	109,88	0,19	117,48
ЮКОРИ ЧИРЧИҚ	0,29	107,22	0,27	122,78
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,58	106,95	0,46	112,45
ЯНГИЎЛ	0,72	103,67	0,87	92,53
ПИСКЕНТ	0,10	103,18	—	100,91
ОҚҚУРҒОН	0,34	102,65	0,30	101,40
БЕКОВ	0,91	99,22	0,65	95,44

Область бўйича: 0,34 106,14 0,42 109,49

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Оржоникиде районидеги
«Октябрь» колхозининг чор-
вадорлари район хўжалик-
лари ичиде биринчи бўлиб
давлатга сўт сотиш йиллик
планини бажардилар. Қа-
бул пунктларига пландаги
660 тонна ўрнига 665 тон-
на сарғаймоқ сўт етказиб
берилди. Ўз имкониятларини
ҳисоблаб «оқ чашма» бунёдкорлари жа-
ми давлатга сотиладиган
сўт миқдорини 1000 тонна-
га етказишга қарор қилди-
лар.

Шуниингден, райондаги
«Коммунизм» колхозининг чор-
вадорлари ҳам эл дастурхо-
нига 620 тонна сўт етказиб
бериб, бу борадаги йиллик
планини мўддатидан илгары
адо этидилар. Улар давлатга
пландан ташқари ана 145
тонна сарғаймоқ сўт етказ-
иб бериш учун курашмоқ-
далар.

И. НЕҒМАТОВ.

П И С К Е Н Т Ж А М О Л И

ПИСКЕНТ шаҳри ва райони кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда, янги-янги кўчалар очилмоқда. Суратларда: шаҳар ва қишлоқларнинг бугунги жамоли.



П И С К Е Н Т Р А Й О Н И — Ю Б И Л Е Й В А Х Т А С И Д А

И Ш Ч А Н Л И К В А У Ю Ш Қ О Қ Л И К Р У Ҳ И Д А

[Боши 1-бўта].

Май ойидан бошлаб ҳўжаликларда Сифат комиссияси фаолият кўрсатди. Улар қартининг шароитини ҳисобга олиб, гўзаллаштириш, янги-янги кўчалар очилмоқда, янги-янги кўчалар очилмоқда. Суратларда: шаҳар ва қишлоқларнинг бугунги жамоли.

Яқинда Ўзбекистон КП район комитети, район ижроия комитети, қишлоқ ҳўжалик ҳодимлари масаба союзи район комитети ва район комсомол комитети пахта термиши ва қўсқа узатиш машиналари ҳамда механик-подборщиклар механик-ҳайдовчилар ўртасидаги социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқди. Шунга кўра социалистик мусобақа қоидалари 75 та қимматли, 12 та мотацион, 20 та гўла ва бопул турлиси бўлиб ажратилди. Социалистик мусобақа қоидаларининг номи эса район «Фабриқ киёбинга» эскилади ва «Фабриқ ёрликлар билан тақдирланадилар.

Шу кунларда райондаги барча техника ва кўч 43000 тонналик «оқ олтин» хирмонини қисқа муддатда бунёд этишга қаратилган. Райондаги 280 та машина икки сенада ишлади. «Гулистон» колхозидан Исмет Сарибоев, Ленин ордени кавалери Назар Холмиев, Нуриддин Хайдаров, Тўлган Ахмедов, каби механик-ҳайдовчилар «Зангори кема» бунеридан терим қизини кунларда 9—14 тоннадан пахта ўқидилар.

Тельман номили колхознинг Социалистик Меҳнат Қўҳрамони Ҳанимполов Қодиров, шу ҳўжаликдаги КПСС XXV съездининг делегати Назар Алимбоев, Охунбоев номили колхознинг Норминбой Ҳасанов, Қобил Қаршибоевлар бошлиқ бригадаларда машина терими биринчилар қатори бошланди. «Зангори кема»лар сузатган пайдаларда биринчи теринда 25—30 центнердан янвоҳир олинди.

Ҳосил йиғим-теримини ташкил этиш ва давлатга топширишда барча ҳўжаликлар ўз шароитларини ҳисобга олиб тадбир ишлаб чиқдилар. Тадбирлардаги пахта топшириш графикага риоя этиш «Гулистон» колхозда, Тельман номили колхозда, Калинин номили колхозда ва бошқа ҳўжа-

ликларда пахта тайёрлаш йиллик планларини барвақт бажарилишини таъминлади. Районимиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, 1980 йили давлатга 42.200 тонна пахта, 1920 тонна дон, 7900 тонна сабзавот, 5000 тонна полиз маҳсулотлари, 1650 тонна узум, 810 тонна гўшт, 5900 тонна сўт, 600 центнер жун, 142 тонна пилла, 710 минг дон тухум сотадилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь» социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорда «Социализм меҳнаткашларининг илм-фан, маданий бойликларида баҳраманд бўлишлари учун кенг кўл очиб берди», дейилади. Бунинг асосида ишчилик ҳам қўриш мумкин. Революциядан аввал омма деярли саводсиз эди. Пискентда битта рус тусузм мактаби, 2—3 та бошланғич диний мактаб бор эди, ҳоло...

1920 йилда рус тусузм мактаби базасида биринчи бошланғич мактаб ташкил этилди. 1925 йилга келиб эса иккинчи бошланғич мактаб қўзғирги Фуркат номили мактаб фаолият кўрсата бошлади. Бир йилдан сўнг дастлабки етти йиллик мактаб қўзғирги Ленин номили мактаб» очилди. Бу мактабларга биринчи марта деҳқон, қосибларнинг болалари кенг жалб қилинди. Совет мактабларида билимга қанқоқ деҳқон болаларининг билим олиши ўз самарасини кўрсатди. Бугунги кунда районимиз ҳалқ ҳўжалигининг турли жаҳалларида икки мингга яқин олий, икки мингдан зиёд маҳсус ўрта маълумотли мутахассис кадрлар фаолият кўрсатяпти. Улар орасида пахта илмини дўста эгалаб олган И. Ҳайдаров, А. Пўтебеков, Ҳанимполов Қодиров, М. Норминбой, Н. Ҳасанов, У. Мубораклов, С. Бегматов, Х. Иброҳимов, Х. Яўдошев каби миришкорлар бор.

КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган район пахтакорлари Совет Социалистик Республикаси Иттифоди Конституцияси (Асосий Қонун)ни қабул қилган СССР Олий Советининг набадтан ташқари еттинчи сессияда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган доклады ва сессияда қабул қилинган қарорлардан руҳланиб, пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажардилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат соғалари билан кўтиб олиш иш-тижориде меҳнат қилаётган пахтакорлариниқ зиммага олинган социалистик мажбуриятларини ҳам тез кунда шараф билан бажардилар.



А. Абдураимова ва Р. Аҳмедовалар Тельман номили колхознинг пешақдам сўт соғу вчилардан ҳисобланишади. Улар ўз қарамоғидаги 20 бош сигирининг ҳар бириндан 3200 литрдан сўт соғиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: А. Абдураимова ва Р. Аҳмедова.

Ю Т У Қ Л А Р И М И З — О К Т Я Б Р Г А

ИНСОНИЯТГА нуралош ҳаёт бахш этган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик қутлуг тўғрисида меҳнаткашлар билан кўтиб олиш ҳар бир совет кишининг, ҳар бир коллективнинг муқаддас бурчидир. Бригадизмининг «оқ олтин» ижодкорлари ҳам ана шу шонли сана шарафига бошланган умулхалқ ақтия қўшилдилар. Биз 50 гектар майдонга барака уруғи қадидилар.

Областикимизнинг дондор пахтакорлари бошланган 50 центнерлик ташаббуси коллективимиз аъзоларини янги марралар сари ундади. Биз ҳам ана шу ташаббусга қўшилди, ҳар гектар ердан 50 центнердан дур ундиришга аҳд қилдик.

Йиғим-терим масумиға пахта тайёргарлик қўриш меҳнат муваффақиятининг омилилардан биридир. Шунинг учун ҳам йиғим-терим арафасида ўтказилган ҳар бир тадбирнинг сифатли бўлишига эришидик.

Матбуотда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган доклады ва сессияда қабул қилинган қарорлардан руҳланиб, пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажардилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат соғалари билан кўтиб олиш иш-тижориде меҳнат қилаётган пахтакорлариниқ зиммага олинган социалистик мажбуриятларини ҳам тез кунда шараф билан бажардилар.

Охунбоевга йўллаган мактуби бугун коллективимизни, шахсан мени ҳам янгидан-янги зафарлар сари руҳлантирди. Пахтакор меҳнатига юқори баҳо берилган ана шу мактубга жавобан йиғим-терим ишларини кўтеринки руҳда бошладик. Терим агрегатларининг барвақт ишга туширилиши суръатга қанот бағишлади. Ўз ишининг устаси, бўлган механизаторлар Умаров Қуролов ва Исмомил Нисозовлар агрегатлар кучидан умулғи фойдаланишди. Натижада ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтерилиб, йиллик план олти иш кунда бажарилди.

Эришган муваффақиятлар чегара эмаслигини тушунган бригадизмин меҳнатсеварлари план бажарилган, терим суръатини бўшатиришди. Социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшириш кун сайин қизитилди. Биз эл олдида берган ваздаимизнинг устидан чиқдик. Ҳар гектар ердан 50 центнердан қимматбаҳо сенаот хом ашёси ундирилди.

Шу кунларда қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топширишмиз.

Назира АЛИМБОВА, Тельман номили колхознинг бригада бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати.

В А Ў Д А Г А Я Р А Ш А

Бу йил 90 гектар ерга 308-«ВР» навли мажбурият учун қаддаб, унн агрохотикни қондалари асосида парварши қилиш тўғрисида мўл ҳосил этиштиридик. Ҳар гектар ердан 82 центнердан қаддаб дон олинди. Давлат оморларига 738 тоннадан кўпроқ сара дон топширилди.

Бу ютуқларга эришишимизда ҳўжалиқимиз агроном Абутолиб Жўнабоев катта ёрдам берди. У тез-тез коллективимизда бўлиб, бизга зарур маслаҳатлар берди.

Механизатор Тамирдор Киборов ва сўчи Комил Мофировлар экинни сифатли қўлтириш қилиб, вақтида оби ҳаёт тарафди. Мажбуриятининг эркин ўсишини таъминлаш учун пайкалардаги бегона ўтларни вақтида тозалардик. Ҳосил зараркундаларига қарши кескин кураш олиб бордик. Йил давомида икки марта озиқлан-тирма, тўрт марта ишлов бердик. Ҳар тўп экиннинг ёй агрономиди тўпроқ қатламни домно юшоқ сақлаганлиғини тўғрйлай мажбурият учун тўрларни бравар ўқди. Ҳар тўпда ўртача 2—3 тадан сўт бўлди. Сўтларининг вазини олиб, тарози босадиган бўлганда ҳосил ўрми-йиғимига қиришидик. Бу кампанияни уюшқоқлик билан ўтказдик.

Бригадизмин аъзолари эндиликда мажбурият учун янгишриб олинган майдонларни шўдгорламоқда. Барча майдонларга минерал ва маҳаллий ўғитлар сеиб, шўдгорлашнинг сифатли ўтказилди.

Келгуси йил ҳар гектар ердан 100 центнердан зиёд «қаддаб дон» этиштиришга қарор қилдик. Албатта, мўлжадаги ҳосилни этиштиришда бу йилги йўл қўйилган баъзи камчиликларини йўқотамиз. Ёшлик шикоятчи билан астойдил меҳнат қилиб, мажбурият учун мўл ҳосил этиштириш борасидаги илгор тажрибалардан кенг фойдаланамиз.

Беш йиллигининг учинчи йилида вақдада яраша давлат оморларига 900 тоннадан ортқ «қаддаб дон» топширмамиз.

Абдул ҚИБОРОВ, Калинин номили колхоз мажбуриятчиллик комсомолшлар бригадасининг бошлиғи.

УНИНЧИ беш йиллигининг иккинчи йили районимиз қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари, айнқиса, пахтакорлар учун кўт—барака йили бўляпти. Шуниси қувонлики, пахтакорлар йил бошидаюқ Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик қутлуг тўғрисида муносиб кўтиб олиш бошланган умулхалқ социалистик мусобақасига ақтия қўшилдилар.

ҲОЗИР пахтачиллиқни техникасиз, унинг бебаҳо қудратисиз тасаввур қилиш қийин. Чиндан ҳам чигит ерга тушгандан бошлаб то ҳосил йиғиб-териб олинувча қилинадиган барча ишларнинг асосийси техника зиммасига тушади. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўғрисида меҳнаткашларимиз тарихига бир назар ташлар эканмиз, ўтган давр пахтачилликда кескин ўзгаришлар йили бўлганлигининг ғувҳош бўламиз. Узюққа бормейлик, 50-йилларнинг бошларида ҳозирги Пискент районини территориясида 10—11 минг тонна пахта этиштирилди, ҳоло. Ҳозир биргина 1-«Пискент» совхозининг ўзи бундан ортқроқ пахта беришга қодир. Уша йилларда «Гулистон» колхозиде ҳосилдорлик 15—16 центнердан ошмасди. Эндиликда бу мўшвал ҳўжаликда ҳар гектар ердан 35—36 центнердан

31 та терим транспорт отряди тузилди. Теримнинг дастлабки кунларидеяқ терим-транспорт отрядларининг афзаллиғи яққол кўзга ташланиб қолди. Масалан «Гулистон» колхозиде 18 та терим машинасидаги бўлиди. Ҳар бир отряд тажрибали механизаторлар билан таъминланди.

Моҳир механизаторлар Исмет Сарибоев ва Назар Холмиевлар бош бўлган ана шу отрядлар ўртасида социалистик мусобақа авж олдириб юбориди. Натижада ҳўжаликда кунига йиллик пахта тайёрлаш планининг 10—11 проценти миқдориде пахта тайёрланди. Шунингдек, Тельман номили, Калинин номили колхозларда ташкил этилган терим-транспорт отрядларида ҳам ағреатлар кучидан моҳирона фойдаланилди.

Қатор ҳўжаликлардаги ўз ишининг устаси бўлган моҳир

ТЕХНИКА ШАРОФАТИ

дур ундириляпти. Бу ўзгаришлар сузуси техника тараққиётининг, пахтачиллиқни комплекс механизациялаштириш йўлидаги астойдил уринишларнинг натижасидир.

Кейинги 10—15 йиллик даврда техника беқисс таъминланади. Агар 1960 йилда районимизда 70 тагина терим агрегати бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 278 тага етди. Чолиқ тракторларни икки баиробердан зиёд қўлайди.

Бу йил техниканинг беқисс кучидан унумли фойдаланилганлиги натижасида пахтадан юқори ҳосил этиштирилди. Пешона тери вазиға этиштирилган ана шу дурми насобуд қилмай йиғиштириб олиш учун тайёргарлик барвақт бошлаб юборилди. Йиғим-теримга тайёргарлик қўлашда КПСС Марказий Комитетининг «Ставрополь» ўлкаси Илатова райони партия ташкилотининг 1977 йил ҳосилини йиғиб-териб олиш соҳасидаги тажрибаси тўғрисидаги қарори ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Оқ олтин» райони партия комитетининг пахта, мажбуриятчиллик қисқа муддатда йиғиштириб олиш ва тайёрлош соҳасидаги тадбирлари тўғрисидаги қарорлари деструл амал бўлди.

Районимизда юбилей йили ҳосилини қисқа муддатларда йиғиштириб олиш, зиммага олинган юқоқ мажбуриятчил шараф билан урдалаш учун

механизаторлар пахта терим машиналарининг нимага қодир эканлигини амалда исботладилар. Бир мисол: Свердлов номили колхозининг механик-ҳайдовчиси Мавлон Ҳошиммуродов 14 сентябрь кунини тўрт қаторли «зангори кема» бунеридан 19,5 тонна «оқ олтин» ўқди. Бу қўлда пахта теридиган илгор теримчининг қарийб 3 мавсумлик иш натижасига тенгдир.

Техника тараққиёти кейинги йилларда район бўйича ҳосилдорлигини кескин кўтармиш имкониятини яратди. Айниқиса юбилей йилида мўлжадан зиёд хирмон кўтармиш натижасида ҳар бир агротехник тадбирини муддатда ўтказиш пайида бўлди. 6515 гектар майдонга чигит кенг қаторлаб экилди. 6000 гектар майдонга эса тусқисланитрилган чигит аниқ ташландиган селжада экилди. 9870 гектар майдон фақат механизаторлар ёрдамида чеканка қилинди. Ўзга қатор оравларига 6—7 мартадан комплекс ишлов берилди.

Қилинаётган барча ишлар, амалга оширилаётган тадбирлар 43 минг тонналик Пискент пахта хирмонини яратишга хизмат қилмоқда. Деҳқон суғаниғи бўлган техника кучидан унумли фойдаланилар экан, бу марра бугун-эрта баътта эгаладилар.

ЛИМ ШЕН ДЕ, район қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бош инженери.

И Л Л О Р Л А Р НАМУНАСИ

КЕРОВЧИ пахта тайёрлаш пункти коллектив «оқ олтин»ни қабул қилиш, бунтлаш ишларини жадал ва сифатли олиб борапти.

Планга мувофиқ йил давомида 6740 тонна пахта қабул қилиниши керак эди. Ҳозиргача бунтлаб қўйилган пахта миқдори 7 минг тоннадан ошиб кетди. «Оқ олтин»нинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Пахтаи қабул қилиш ва бунтлашда Э. Мадлиев, А. Раймов, Ф. Орелова, Х. Имомқулова ва бошқалар фидокорлик кўрсатишляпти.

Шу кунларда ҳам пунктда қизини меҳнат давом этияпти. КПСС Марказий Комитетининг Октябрьдаги Чарқирларидан руҳланган ишчи-хизматчилар йил охиригача яна юзлаб тонна пахтаи қабул қилиш ва бунтлаш юзасидан оширилган мажбурият олишди.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,



Пискент районининг пахтакорлари бу йил давлатга пахта сотиш юзасидан плани муддатидан илгари адо этдилар. Бу савоатли ишда механизаторлар катта жонбозлик кўрсатдилар. Суратда: Тельман номили колхознинг илгор механизаторлари [чапдан ўнға] Т. Токиев, Т. Турсунатов, У. Қуролов, М. Турунов, М. Нисёзов ва Д. Исавлар.

А. Абалля фотолари.

ҲАМ СОН, ҲАМ СИФАТ

ФЕРМАМИЗДА Барча ишларининг деярли механизацияланганлиғи чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш план ва социалистик мажбуриятларини муддатда бажариш имконини бермоқда. Ўтган саниқс ой мўбайида коллективимиз аъзоларининг ҳамжухотлиқ билан меҳнат қилиши тўғрисида мўл ҳосил топшириш ҳалқ ҳўжалик плани — 108,2 процент, сўт — 109,2 процент, тухум — 107,2 процент қилиб урдаланди.

Сон билан бирга маҳсулотларининг сифатига ҳам алоҳида аҳмият беряптик. Топширилган сўтининг ҳаммаси фақат биринчи сортларга қабул қилинди.

Муваффақиятларга эришишимизда социалистик мусобақа муҳим роль ўйнамоқда. Коллективимизда толибларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг аниқ системаси ишлаб чиқилган. Мусобақага яқун еришнинг сифатини аниқлаб чиқди. Бурҳон Мамиров, Қаршйбой Қўшбоев каби молбоқарлар ҳамда Фикрия Бадалова, Анор Файзиева каби сўзучилар домно юқори кўрсаткичларга эришиб, толибларини қўлдан беришляпти. Б. Мамиров билан Қ. Қўшбоев тажрибали молбоқарлардир.

Улар бугун тажрибасини ишга солиб, молларини рацон асосида меҳр билан парварши қиладилар. Шунинг учун ҳам улар боққан сўгин сигрлардан бошқаларга нисбатан сўт соғиб олинади.

«Сигирнинг сўти тилида» деган нақлга амал қилган илгор сўзучилар Ф. Бадалова ва А. Файзиёвалар домно молбоқарлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Фермаимизда унумли меҳнатдан сўғ яхши ҳордиқ чиқариш учун алоҳида дам олиш хонаси маъвуд. У керакли нарсалар билан жиҳозланган. Хонадаги қўрсаткич тахтада эса сўзучилар ҳар кунини соғиб олаётган сўт миқдори ақс эттирилган.

Улуғ Октябрнинг қутлуг 60 йиллик юбилей нишонланганидан қилда чорвачилик маҳсулотлари барча турлари бўйича зиммамизга олган социалистик мажбуриятини орғиғи билан бажариш билан бирга, ўларни фақат юқори сортларга топширилишига эришамиз.

Усмон ТОШЕВ, Охунбоев номили колхоз ферма мудир

ПИСКЕНТ РАЙОНИ — ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

ХАЛҚ депутатлари қишлоқ Совети территорияда районнинг икки пешкада ҳужайлиги — «Гулистон» ва Ленин номида қишлоқлар жойлашган. Ҳар иккала ҳужайлида ҳам йилга мўл-кўл қишлоқ ҳужайлиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бу сўзсиз қишлоқларнинг ободонашуда, меҳнатқашларнинг маданий фаровонлигининг муттасил ўсишида бош омилдир.

ҲАДЕМАЙ, инсониятга бахт-савод берган Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллик юбилейни нишонлашда. Одатда ана шундай кутлуқ саналар арафасида босиб ўтқилган йилга, эришчилар ютуқларига назар солсан, киши. Утган длар ичиде қишлоқ Совети территориясидаги қишлоқлар табиқ бўлмас даражада ўзгариб кетди. Айниқса, кенинги 10—15 йил кескин юксалиш даври бўлди.

Қишлоқларимизда уй-жой ва жомат бинолари қуриш республика партия ва ҳукуматининг «Қишлоқларда ҳутор системасини тугатиш тўғрисида»ги қароридан сўнг янги ади олдириб юборилди. «Гулистон» қишлоқдаги «Олти болан» «Мугули», «Оқори сув» каби нажда ақоли пунктлари тугатилди. Бу қишлоқ қишлоқлардаги ақоли замонавий типда, планил қурилган уйларида қўниб ўтди. Натижада ҳам қишлоқ қиёфаси очилди, ҳам қишлоқларнинг кўла кийитили-

ҳозирларнинг моддий фаровонлиги ошди. Ҳозир биргина «Гулистон» қишлоқ марказида клуб, меҳмонхона, маънавий хизмат кўрсатиш уйи, қатор санат ва озмиқ-оват моллари мағазини, лари, қойхона, аптека, 87 номерли телефон автомат станцияси каби объектлар меҳнатқашлар хизматига. Замонавий типда қурилган Мўқимий номи урта, Крупская номида саккиз йиллик мактабларда қишлоқчиларнинг 700 нафарига ақин болалари таълим-тарбия олишляпти.

Санат шахри Олмалик ақинига жойлашган Ленин номида қишлоқ қишлоқлари ҳам кундан-кунга чирой очмоқда. Бундан 10—15 йил муқаддам тўқайзор бўлган жойлар ўринини замонавий ва муқтаддам уй-жой бинолари эгаллади. Қишлоқ марказида қатор маданий-маънавий объектлар қурилди.

Тилга олинган ана шу ютуқларнинг кўла кийитили-

шида халқ депутатлари қишлоқ Советининг, унинг кўп сонли депутатларининг муносиб ҳиссаси бор. Улар ўтган йилларда турмуш маданиятини ошириш, хуторларини тугатиш, ақолига маънавий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида ибратли ишларини амалга оширмоқдалар.

Қишлоқ Советига сайланган 53 нафар депутатнинг ҳаммаси ҳам ўз соҳасининг пешкадамлиридир.

Қишлоқ Совети қошга саккизта домий комиссия мунтазам фаолият кўрсатадир. Ҳар бир домий комиссия раиси ўша соҳани яхши билган, ишчан, тадбиркор қишлоқлардан сайланган.

Ҳар бир домий комиссия аъзолари бўлган депутатлар эл-юрт ишончини қозонган кишилардир. Улар ўз сайловчилари берган нақазаларини сидқидилдан бажаришди. 1970 йили Олмаликдан район маркази Пискентга газ магистраль тўқатилди. Қишлоқ ақли депутат Исламидин Ҳайдаровга қишлоқларнинг табиқ газ билан таъминлаш нақазини беришди. Қишлоқ правлениясининг раиси бу таъмин қондириш учун олиб-югурди. Вақт топиб керакли ташки-

лотларга учрашди. Ана ҳозир қишлоқнинг ҳар бир ҳонадонига «азгирин олов» бор. Депутат Сулей Умаровга хўжалигининг 5—6 бригадасида дала шийлоини қуриш нақазини топширилди. Депутатнинг харақатлари натижасида ҳар иккала бригада ҳам типовой шийлоинга эга бўлди.

Бундан бир неча йил муқаддам Керович қишлоқда 70 қойхалик қасалхона қурилиш бошланган эди. Лекин у ўз муддатда қойдаланишга топширилмади. Депутатлардан Ҳ. Норматов, М. Собировларнинг аралашуви туфайли тўхтаб қолган қурилиш давом эттирилди бошлади. Бундай мисолларини кўплаб келтириш мумкин.

Ешлар билан ишлаш домий комиссиясининг иши ҳам диққатга сазовордир. Бу комиссияга аъзо бўлган депутатлар жуда кўп ибратли ишларини амалга оширмоқдалар. Янгича аъзалар кенг тарғиб қилинляпти. Ешларни Совет Армияси сафига қурашти, паспорт, етуклик аттестат бериш каби маросимлар аъзо-навий руҳда ўтмоқда. Га-лаба байрами арафасида ешларнинг, қолверса бутун қишлоқ ақлининг Улуғ Ветан уруши қўрбонлари шарафига ўрнатилган ёдгорлигини эи-

рат қишларини ҳам яхши аъзалардан бирига айланди.

Депутатлар айниқса тўйларини гўзал ўтказишда алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар. Қишлоқ Совети секретари, Исмоил Ҳайдаровнинг жонбозлиги туфайли ешлар ниқоҳдан ўтадиган хона ташкил этилди. Икки ёш ҳаётида унутилмас сана ҳисобланган ниқоҳдан ўтиш маросими бу ерда тантанали суратда ўтди. Қишлоқнинг Оқул Эргашева, Гуломхон Раҳматов каби бообуру кишилари ана шу маросимга тақдир этилади. Улар катта ҳаёт бўсағасида турган ешларга бахт тилаб, маслаҳатлар бериб туришадир.

Янгича СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинган СССР янги Конституциясида халқ сайлаган депутатларнинг фаолиятига юқори баҳо берилди. Бундан руҳланган қишлоқ Советимизга сайланган депутатлар халқ фаровонлигини йўлида янада сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлашляди.

Меҳнатқашлар депутатлари қишлоқ Советининг олдига қишлоқларнинг ободоналаштириш, қулақазорлаштириш билан боғлиқ бўлган жуда кўп муҳим масалалар бор. Биз бу вазифаларини халқ номзодлари — депутатларга сўнган ҳолда сўзсиз ижобий ҳал қилишимиз.

Насриддин РАҲМОНОВ, халқ депутатлари Керович қишлоқ Советининг раиси.

ЖОНҚУЯР АЛОҚАЧИ

ЧИНОЗ районидеги «Қи-зид» Оқтябр» қолхозда ишловчи 255 кўп болали ора 360 нафар меҳнат ва хутор ветерани давлат томонидан белгиланган нафақаларини ўз вақтида олишляди. 474 қонадонга газета ва журналлар мунтазам келиб туради. Бунда алоҳида бўлимининг мудири Юсуф Назаровнинг хизмати каттадир.

Шу кунларда 1978 йил газе-та ва журналлари учун обуна қолхозда қизгин бош-лашиб кетди. Обуна тўплаш-да социалистик мусобақа пешкадами Ж. Назаров та-шаббускорлик кўрсатмоқда.

Н. АШИРОВ.

ГАЗЕТХОН ОИЛА

УРТА ЧИРЧИҚ районидеги «Ленин йўли» қолхозда и-стикомат қилувчи Азимхўжа-ота Қамолхўжаев қонадонига ҳар кун ўттизга яқин вақтли мабтуот наشري келади. Бу оила фарзандлари ўн киши-дан ортиқ. Катта ўғли Азимхўжа заводда, Оди-хўжа базарида, қизи Хабиба савдо соҳасида, келинлари Ҳалима ва Мухаббатлар мак-табда ишляшляди. Уларнинг ҳар бири ўч-тўрттадан газе-та ва журналга обуна бўлиш-ган.

1978 йил учун газета ва журналга обуна ҳам бу о-лада барвақт бошляди.

Ф. САФИУЛЛИНА, жоматчи мухбир.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ Т Е З К У Н Д А



«ИККИ СОЛДАТ ҲАҚИДА ҚИССА»

ЯНГИ, КЕНГ ЭКРАНЛИ ФИЛЬМИ КИНОТЕАТРАЛАР ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАДИ

Сценарий муаллифлари — Улас УМАРБЕКОВ, Николай ФИГУРОВСКИЙ.

Постановка-режиссёр — Зоҳид СОБИТОВ.

Ролларда: Бахтиёр ИХТИЕРОВ, Рустам САЪДУЛЛАЕВ, Ни-кола САНДИЯНСКИЙ, Елена ДИМИТРОВА, Янчо ПЕТРОВ ва бошқалар катнашляди.

Бу саргузашт фильмида икки ўзбек солдатининг тақдирини, машаққатли уруш йўллари Мақсудов ва Зо-кировни тутишлича олиб келиш, сўнгра Болгарияда улар-нинг ҳар бири ўзига фашизмга қарши курашга қўшган ҳиссалари ҳақидаги ҳикоя асос қилиб олинди.

Фильмда 1943 йил ВОҚЕАЛАРИ АКС ЭТТИРИ-ЛАДИ.



«ЎЗБЕКФИЛЬМ» ва «ЗА ИГРАЛНИ» (Болгария) киностудияларининг маҳсулотли.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ОРЕБТА-3» ПРОГРАММАСИ 9.00 — Янгилликлар. 9.10 — Гимнастика. 9.30 — «Сарсон-ли саргардонликда» (бадий фильм, 2-серия). 10.45 — «Спартак» балетидан сюита. 11.10 — Хўжажатин фильм. 15.15 — Хўжажатин фильм. 15.45 — Танафус. 15.55 — Юрий Олеша ижоди. 16.40 — Москва ва моснавиликлар. 17.10 — «Қаълани қўлга киритиш қилиш эди» (бадий фильм). 18.20 — Юбилей вахтасига — зарбдор яқун. 18.30 — Танаф-фус. 19.00 — Янгилликлар. 19.15 — Улуғ Октябрнинг 60 йилли-ги. 19.75 — Янги био-графия. 22.30 — Концерт. 23.15 — Хўжажатин. «Трактор».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — Капитан (бадий фильм). 12.00 — Фильм-кон-церт. 12.55 — «Малшмон». 13.25 — Раис (бадий фильм, 2-серия). 13.30 — А. Хўжаев хотираси соврини учун шах-мат бўйича VI аънаваний Бу-туниттфок турнири. 18.50 — «Ешдик». 19.15 — Улуғ Октяб-рининг 60 йиллигига. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Оламга сав-хат. 21.00 — Ахборот. 21.20 — «Талант ва маҳорат». И. Архи-пова ижоди ҳақида. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Па-тавор — мардлар майдоини. 22.45 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Телефильм. 20.10 — Немис тили. 20.40 — Янгилли-лар. 21.00 — Янгилликлар учун консултация. 21.30 — Жағовар постда. 22.00 — Хи-мил.

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21[Хда Испан миниаторлари, 22[Хда Флориа Тоска, 23[Хда Эрик нийган мушун 12.00]. Оқуш нуғи (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21[Хда Аланхона. рини, 22[Хда Оқшомдан туғула-ча, 23[Хда Келинлар кўзгола-ни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-ДА — 21[Хда Тошболат ошин, 22[Хда Тоғ гўзали, 23[Хда Оддий муъниса.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАР-ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21[Хда Бадашара ёхуд Эзоп, 22[Хда Ишқ нурбонлари.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирни артистля-рининг гастроллари. «СУВА ЦИРК» АТТРАКЦИОНИ (19.30).

КИНО

САБЪАТ САРОНИ — Озо-лин солдатлари (патта зал), Ганг узра тонг (кичин зал, кундуз ва кечурун).

Сибуш ҳақидаги қисса — «ҚУҚЧА» (кундуз ва кечу-рун), «ДРУЖБА» (12, 15.30, 16.45, 18.00), «ТИНЧЛИК» (13, 15, 17, 21, 21.00).

Бу ташвишли қиш — ҲАМЗА (11, 13, 15, 17, 19, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14.00), «КОМСОМОЛ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Куз (муфт соатларда), Обелиск (тоғ соатларда) — «КОЗГИСТОЙ».

Озолин солдатлари — «МОСКВА» (10, 13.30, 17, 20.30), «НУКУС» (10.30, 14, 17, 20.45).

Севгини учинчи курсда (тоғ соатларда).

Оқ тун нуғлари — «ТОШ-КЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИ-ГИ» (16, 18, 20, 21.30).

Оржоникиде ГЭСлар тиз-маси дирекцияси, партия ва касба союз ташкилотля-ри ободоналаштириш участ-насининг раҳбари.

Маҳмад Хошимович ЭЛБАСИНОВНИНГ

вафот этганини кўзур қайту билан олдидир, марҳумнинг оила аъзолля-ри таъзия наҳор қилляди (19.00).

«ҚИЗЛАР ГУРУНГИ» — БЕКОБОДДА

Тошкент область комсомол комитетининг ҳамда Тошкент область китобсаварлар жамия-тининг ташаббуси билан «Қи-злар гурунги» лекторийси таш-кил этилганга кўп вақт бўл-гани йўқ. Бу қисқа муддат ичиде лекторий жуда самарали фаолият кўрсатди. Пойтахт областининг барча районляри-да бўлиб ўтган «Қизлар гу-рунги» составида ҳуқуқшунос-лар, медицина ходимляри, шоира ва ёзувчилар ҳамда хушбоз хонандалар иштирок этидлар.

«Қизлар гурунги»нинг навбат-даги программаси Бекобод районидеги А. Мавлонов номи-ли совхозининг 4-бўлими ме-хнатқашлари эътиборига ҳаво-ла қилинди. Тошкент шаҳар адвоклатлар коллегияси прези-диуми раисининг ўринбосари Забаржад Анорбоева йнгилян-ларга совет хотин-қизларининг ҳуқуқлари ҳақида сўзлаб бер-ди.

Бўлими заршунослари Ўзбе-кистон Ленин комсомолининг лауреати шоира Гулҳебра Ну-руллаеванинг лирик шеърляри-ни тингладилар. «Қизлар гу-рунги» лекторийсида китоб-хонлар жамияти Тошкент об-ласть бўлимининг масъул се-кретари К. Қамбарова, область комсомол комитетининг про-паганда бўлими инструктори Мухаббат Аҳмедова пахтакор-ларга омад тиладилар. Сўнгра Тошкент маданият институти-нинг «Нилуфар» ансамбли иж-росида концерт қўйиб берил-ди. Ансамбль иштирокчилляри-дан Ҳамид Муталов, Маъмур Шокиров, Эльмира Ашурова, Дилором Соповаларининг қў-шқ ва рақслари ҳаммада кат-та таассурот қолдирди.

Шу кун «Қизлар гурунги» лекторийси машаъл Ленин номида қолхозининг Адолат Рў-зиматова раҳбарлик қилляган бригадасида ҳам бўлиб ўтди.

Э. ИСМОИЛОВА, А. КЕЛДИЕВА.



Тоғларда куз неъматли.

В. Таран фотолари.

БИРИНЧИ ДАВРА ГОЛИБЛАРИ

М. И. ГЛИНКА номидаги вокалистлар конкурсининг биринчи давраига яқинда яқун ясалди. Голибларини аниқлаш мураккаб вазиятни вужудга келтирди. Чунки қўшқ ижрочилиги мусобақаси конкурс ҳаётининг ну-фузли аъзолари олдига қи-йин масалаларни қўйди.

Ахир, 14 республиканин 40 шахрдан катнашляган ҳар бир конкурс иштирокчиси ўз санъатига ишонч билан, мусобақашларини енгил учун тайёргарлик билан келган. Бунинг устига ма-кур конкурс қатнашувчилар сонин жиҳатидан биринчи ўринга кўтарилди. Улар ора-сида иккинчи даврада қат-нашувчи голибларини ани-ратиб олиш осон эмас эди.

Нихоят оғир ижодий босқич талибларини биринчи даврада аниқлаш аниқла-ди. Конкурс ҳакамляри ик-кинчи даврада катнашиш учун 51 кишига ҳуқуқ бер-ди. Булар 25 балли систе-мадан эиғ қамиде 18 балл йиққан вокалистлардир. Шу жумладан 12 сопрано, 5 ме-ццо сопрано, 10 та камер бўлимида қатнашувчилардан, 9 тенор, 7 баритон, 8 бас ижрочилари бор.

Эиғ аввало, тенорлар гуруппасининг қишқиларини алоҳида таъкидламоқ лозим. Конкурс тарихида биринчи марта бу овоз баб-барава-ва юксак профессионал дара-жада ижро этилганлиги қайд қилинди. Бундай талабти ижрочиларининг қишқи иштирокчиларга ҳам, жюри аъзоларига ҳам катта қувонч бахш этди. Зотан, бундай овоз камдан-кам инсонга на-

ЕЗУВЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

К. Е. ВОРОШИЛОВ номида-ги «Ташсельмаш» заводининг ишчилар ётоқхонасида Ок-тябрь 60 йиллиги ва завод ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишлаб адабий омада ўтказилди. Ишчилар ҳу-зурига тақдиринг езувчи, «Шарқ юлдузи» журналининг редактори Мирмуҳсин ме-хон бўлиб келди.

Езувчи ишчилар синфи тема-сида ёзилган «Дегрез ўғли» романи билан заводдагилар учун гоат қадрли. Кечада ишчилар Мирмуҳсиннинг ро-манляри ва лирик шеърляри тўғрисида сўхбатлашляди. Езувчи ишчиларини қизқир-тирган саволларга жавоб берди. А. ИҲЛОШЕВ.

«Ташсельмаш» ишчиси.

маҳсулотлари фабрикаси олимпиада халкалари тушири-ляди. Ҳозир ҳакамляри «Дис-кобол» ҳақида «Найза улоти-рувчи» деб аталган металл лаганларини ишлаб чиқаради. «Гуцулшчи» бадий ишлаб чиқариш бирылмасида эса ёғочдан миллий оранментлар туширилган бир неча хил бу-юмлар тайёрлянади.

— Олимпиада ўйинлярига бағишлаб чармадан ҳам ҳақ маҳсулотлар ишлаб чиқа-рямиз, — дейди Украина ССР маҳаллий санает ми-нистрлиги ассортимент каби-нотининг мудири Ийна Ха-лиф. — Аёллар, спорт, хўжа-лик ҳамда пляж сумкаляри

М. И. ГЛИНКА номидаги VIII БУТУНИТТФОҚ ВОКАЛИСТЛАР КОНКУРСИ

сиб этади. Шунингдек, тенор оҳанглири ҳам конкурс ну-фузига хос жарангладир.

Бу сафар вокаль санъати мухлисляри хотин-қизлар чикишидан унчалик ҳафа ҳам бўлмади, айни пайтда хурсанд ҳам бўлмади. Чун-ки улар кутилган даража-да эришди. Бас гуруппаларининг намоийшляри яхши натижа берди.

Айниқса, биз, Ўзбекистон-лик санъат шинавандаларини республикамиза вакиллари оғинган биринчи босқич ютуқляри қувонтиради. Сан-киз юртдошимиз иккинчи даврада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу вока-листляримиз учун, уларнинг ўқитувчи ва кўп сонли мух-лисляри учун катта талаба, қувончли ҳолдир. Бас иж-рочиларимизнинг етиши, айниқса, муваффақият қо-зонди. Улардан бири Али-шер Навоий номидаги Ҳа-бек Давлат академик Катта опера ва балет театри со-листи Қўрғамас Мухитдинов-дир. У III республика вока-листляри конкурси лауреати бўлган. М. И. Глинка но-мидаги VIII Бутуниттфок конкурсида халқ кўш-қиларини эиғ яхши ижро эт-ганлиги учун мукофот би-лан таъдирланган. Шунинг-дек, Алишер Навоий номи-даги Ҳабек Давлат академик Катта опера ва балет театри солисти, III республика вока-листлар конкурсининг ик-кинчи мукофотида сазовор



ИККИ ГАЛАБА

Утган кун Европа кубок эга-ляри кубогини ва УЕФА кубогини учун навбатдаги босқич мусо-бақалари бўлиб ўтди. Москва динамочилляри ўз майдонляри-да Руминиянинг «Универста-тя» командасининг қабул қи-ляди. Бутун ўйин давомиде устунлики эга бўлган совет футболчиляри 2:0 ҳисобида голиб келишляди. Тўпларни Назаров ва Минеев киритди.

Тбилис динамочилляри эса Данияда «БК Копенгаген» клуби билан куч синашляди. 4:1 ҳисобида голиб келган русия футболчиляри соврин учун нав-батдаги босқич ўйинига чиқди-лар, деса бўлади.

БУТУНИТТФОҚ ТУРНИРИ

Пойтахтдаги «Динамо» ста-дионини теннис кортлярида республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобо-ев хотира соврини учун Бу-туниттфок иккинчи турини-га бугун яқун ясалди. Бунда республикамиз спорт шара-фини ҳимоя қилган тошкент-лик «Буревоистинки» жамияти

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета народных депутатов.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.